



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2018 йил 18 май, № 101 (7059) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15 — 17 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



16 май куни Оқ уй қароргоҳида давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокараларда Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарларининг "Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши" деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди. Турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Жумладан, энергетика, икки томонлама савдо муносабатларини кенгайтириш, олий таълим ва академик тадқиқотлар, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича ахдлашув протоколлари қабул қилинди. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда 2018 йилда Тошкентда Марказий Осиё савдо форумини ўтказиш-

да ҳамкорлик тўғрисидаги аниқлашув меморандумлари имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасида Қўшма лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида меморандум қабул қилинди.

Бу келишувлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг тарихий аҳамиятга молик янги даврини бошлаб бериши шубҳасиз.

Ўзбекистон делегациясининг АҚШга ташрифи муносабати билан "Виллард интерконтинентал" меҳмонхонасида ташкил этилган қабул маросимида Шавкат Мирзиёев Дональд Трамп билан мулоқот ўзаро ишонч ва ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида ўтганини алоҳида таъкидлади. "Биз бу тарихий ташрифини кейинги икки йилда мисли қўрилмаган суръатлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг мантаний давоми, деб биламиз. Гарчи мамлакатларимиз географик нуқтай

назардан бир-бирдан олис бўлса-да, меҳнатсеварлик, бағрикенглик ва ватанпарварлик каби қадриятлар халқларимизни бирлаштириб туради", деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон тарихи ва маданиятини чуқур ўрганиб, бутун дунёда кенг тарғиб этаятган Фредерик Стэрв ва бошқа америкалик олимларга ташаккур изҳор этди.

Тадбирда ўзбек мақом санъатини ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий меросини дунёда тарғиб этишга қўшган ҳиссаси учун мақом ансамблининг собиқ хонандаси Изро Малаковга "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрий унвони берилгани эълон қилинди. Изро Малаков бундай юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ташрифининг учинчи кунги ҳам учрашув, музокара ва тадбирларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифи икки мамлакат

манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ташқи сийosat маҳкамалари алоқаларини фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Жеймс Мэттис билан музокара олиб борди.

Президентимиз ташқи сийosatимиздаги очкилик ва яхши қўшничилик принципларига асосланиб, Ватанимиз суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизнинг янги Мудофаа доктринаси қабул қилингани, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта қўриб чиқилиб, ҳарбий билим юртлари ислоҳ қилинганини таъкидлади.

Ўзбекистон бу соҳада Америка Қўшма Штатлари билан тажриба алмашиш, ҳарбий, ҳарбий-техникавий, мудофаа ва хавфсизлик йўналишларида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, деди Шавкат Мирзиёев. АҚШ мудофаа вазири

Ўзбекистон минтақада муҳим геостратегик аҳамиятга эга давлат эканини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг очик ва конструктив ташқи сийosatи натижасида Марказий Осиёда яхши қўшничилик муҳити яратилди. Афғонистон Президенти Ашраф Ғани билан мулоқотларининг, Афғонистон ишлари бўйича махсус вакил тайинлаганининг муҳим аҳамиятга эга. Расмий ташрифининг доирасида қабул қилинган беш йилга мўлжалланган ҳарбий ҳамкорлик режаси минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деди Жеймс Мэттис.

Учрашувда мудофаа ва хавфсизлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳаларидаги муносабатларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Капитолийда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли бошчилигидаги конгрессменлар билан учрашди. Мулоқотда икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган муносабатлар қарор топгани қайд этилди. Парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз парламент ва ҳуқуқат даражасидаги икки томонлама ташрифлар фаоллашганини, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Сенати Раиси ўринбосари, молия бўйича қўмитаси раиси Оррин Хэтч бошчилигидаги сенаторлар билан мулоқот қилди. Сўхбатда парламентларо алоқалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи дастурдан ўрин олган мазкур учрашув стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев шу куни Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари узоқ йиллардан буён Жаҳон банкида ишлаётган юртдошларимиз билан кўришди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан мазкур банк ўртасидаги ҳамкорлик энергетика, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизация қилиш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш соҳаларини қамраб олган. 2020 йилгача ҳамкорлик бўйича қўшма дастурга 27 та муҳим лойиҳа киритилган. Уларнинг умумий қиймати 4 миллиард доллардан иборат бўлиб, унинг 3 миллиард доллари Жаҳон банки кредитларидир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий лойиҳаларда Жаҳон банки билан ҳамкорлик юксак самара бераётганини қайд этди. Ўзбекистон Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Учрашувда истиқболли лойиҳалар қўриб чиқилиб, амалий алоқаларни янада кенгайтириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди. Богдорчиликни ривожлантириш, шошилиқ тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, sanoat корхоналарининг энергия тежамкорлигини ошириш, иситиш тармоқларини модернизация қилиш, молиявий консультатив хизмат кўрсатиш каби соҳаларга оид битимлар имзоланди.


Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифи якунига етди. Ўзаро муносабатлардаги тарихий воқеа бўлган ушбу ташриф ҳамкорликни янги поғонага кўтариши шубҳасиз.

**Абу Бакр ҲУЗОВ,**  
ЎЗА махсус мухбири.  
Тошкент — Вашингтон —  
Тошкент.

**СУРАТДА:** Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Жеймс Мэттис.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ПРЕЗИДЕНТ ДОНАЛД ТРАМПНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ



ОҚ УЙ  
ВАШИНГТОН  
2018 йил 16 май

Бугунги оқшомда Президент Шавкат Мирзиёев ва унинг рафиқаси Зироатхон Мирзиёева мезбонлик қилаётган қабул маросимини иштирокчиларига ўз саломларини йўллайман.

Америка халқи номидан Президент Мирзиёевга Оқ уйга тарихий ташрифи учун миннатдорлик билдираман. Марказий Осиёда анчайин мураккаб вазият юзга келаятган, ҳамкорлик учун янги имкониятлар пайдо бўлаётган бир пайтда бугунги мулоқотимиз стратегик шериклигимизни янгилашга ёрдам берди. Минтақадаги таъминот йўлларини қўллаб-қувватлаш ва Афғонистон билан алоқаларни яхшилашга хизмат қилаётган иқтисодий лойиҳаларни сармоялаш борадидаги саъй-ҳаракатлари учун Президент Мирзиёевга ҳурмат-эътиромимни изҳор қиламан.

Президент Мирзиёев мени ишонтириб таъкидладики, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ислохотлар дастури бардавом ва муқаррардир. Аминманки, Президентнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратаётган эътибори халқ ҳаётининг янада обод ва фаровон бўлишига хизмат қилади. Биз биргаликда саъй-ҳаракатларимиз билан Ўзбекистонда ҳисобдорлик ва шафқатли масалаларни янада яхшилашни эриша оламиз. Бу эса Америка компанияларининг фаолияти учун мустаҳкам замин ҳозирлаб, мамлакатларимизда бандлик даражасини оширишга ёрдам беради.

Мелания ва мен Президент Мирзиёев ва Биринчи хоним Зироатхон Мирзиёевага Америка Қўшма Штатларида унутилмас ташрифи учун чин дилдан миннатдорлик билдираман. Ишонманки, сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилган ҳамкорлигимиз икки мамлакат порлоқ келажагининг муқаддаси, холос.

### Эксклюзив интервью

## Изро МАЛАКОВ: Ўзбекистон Президенти ва ўзбек халқидан чексиз миннатдорман

Ўзбекистон делегациясининг Америка Қўшма Штатларида расмий ташрифи муносабати билан "Виллард интерконтинентал" меҳмонхонасида уюштирилган учрашувда эътибори воқеа рўй берди.

Гап шундаки, кўп йиллик самарали ижоди, ўзбек мақом санъатини ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий меросини дунёда тарғиб этишга қўшган ҳиссаси учун мақом ансамблининг собиқ хонандаси Изро Малаков "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрий унвони билан тақдирланди. Вашингтонда хизмат сафарига бўлиб турган махсус мухбиримиз Шавкат Ортиқов халқимизнинг сеvimли хонандаси Изро Малаковдан эксклюзив

интервью олиб, унинг дил сўзларини биз билан ўртоқлашди:  
— "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрий унвони билан тақдирланди, деб ўйламаган эдим. Ҳозир ҳақжонимни сўз билан таърифлашга ожизман.

### Дональд Трамп:

## «МЕН УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИ БИЛАН УЧРАШИШ КАТТА ШАРАФДИР. У ЎЗ МАМЛАКАТИДА ҚАМ, УНИНГ ТАШҚАРИСИДА ҚАМ КАТТА ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР ҚОЗОНГАН»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида расмий ташрифи ва Вашингтонда бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар АҚШ оммавий ахборот воситаларининг катта қизиқиши ҳамда диққат-эътиборида бўлди.

### Дунё нигоҳи

Хусусан, Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Дональд Трамп учрашуви ҳақидаги илк хабарни "Associated Press" ахборот агентлиги тарқатди. Агентлик материалда



таъкидланганидек, бу Ўзбекистон раҳбарининг АҚШга илк расмий ташрифидир.

"Шавкат Мирзиёев 33 миллионга яқин аҳоли яшайдиган мамлакатда либераллашув жараёнини йўлга қўйди. Президент ўтмиш саркиятларини улқотириб ташлаб, сиёсий маҳсулларни озод этди, хорижий валютани алмаштиришга чекловларни бекор қилди, мажбурий меҳнат амалиётига чек қўйди. Ҳуқуқат таркибида ҳам жиддий ўзгаришларга қўл урилди: эски амалдорлар ўрнини замонавий фикрлайдиган менежерлар эгаллади", дейилади "Associated Press" тарқатган мақолада.

Нуфузли "The New York Times" газетаси мухбирлар-

нинг фикрича, республика табиий ресурсларга бой бўлиб, бугун Россия, Хитой ҳамда Америка Қўшма Штатлари манфаатлари кесилмаётган Марказий Осиёда стратегик муҳим ўрин тутаяди".

### The New York Times

"Афғонистон билан чегарадош бўлгани ҳолда, Ўзбекистон ушбу мамлакатда тинчлик ва осейшталкини таъминлашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, Ўзбекистон ҳамда АҚШ Президентларининг учрашувида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва "Толибон" ҳаракати билан тинчлик битимини имзолаш масаласи марказий ўрин тутди", деб ёзади америкалик журналистлар.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Дональд Трамп:

«МЕН УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИ БИЛАН УЧРАШИШ КАТТА ШАРАФДИР. У ЎЗ МАМЛАКАТИДА ҲАМ, УНИНГ ТАШҚАРИСИДА ҲАМ КАТТА ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР ҚОЗОНГАН»

(Давом. Бошланиши 1-бетда).

АҚШ янгиликлар тармоқлари орасида биринчи ўринда турувчи «CNN» телеканали ўзининг репортажида Ўзбекистон — Америка алоқаларининг ижобий ўсиш суръатини қайд этади. Президент Трамп Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг янги даврини очишга интилаётгани таъкидлаб, республикада сўнгги вақтларда инсон ҳуқуқлари соҳасида салмоқли ўзгаришлар кечаётгани айтиб ўтилади.

«CNN» мухбирлари Дональд Трампнинг «Мен учун Ўзбекистон етакчиси билан учрашиш катта шарафдир. У ўз мамлакатидан ҳам, унинг ташқарисидан ҳам катта ҳурмат-эътибор қозонган. Биз турли масалалар юзасидан яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз», деган сўзларини келтиради.


«CBS News» телеканали эса Америка раҳбарияти Ўзбекистон билан алоқаларнинг устувор йўналишлари сифатида савдо-сотиқ, сарможалар ҳамда ҳарбий-техникавий ҳам-



корликни ривожлантиришга эътибор қаратаётганини хабар беради.

«Ўзбекистон Президентининг ташрифи чоғида Американинг етакчи компаниялари билан умумий қиймати 5 миллиард долларга яқин битимлар имзоланди. Мазкур келишувларнинг ҳаётга татбиқ этилиши орқали АҚШда ҳам, Ўзбекистонда ҳам кўплаб янги иш ўринлари яратилади», дейди «CBS News» журналистлари.

Оқ уйдаги музокаралар жараёнини қузатган «ABC News» телеканали мухбирлари томонларнинг Ўзбекистон —



Америка стратегик мулоқотини давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янгилашга муштарак интилишини эътироф этдилар. «ABC News»нинг маълум қилишича, Марказий Осиёда давлатлараро кооперациянинг жадаллашиб, бу минтақанинг ягона организи сифатида шаклланишига хизмат қилаётган бир даврда

Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги мулоқот минтақавий сиёсатнинг муҳим омилига айланмоқда.

«The Washington Post» газетаси ўқувчиларининг эътиборини Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда



«Америка овози» радиостанциясини аккредитациядан ўтказиш ҳақидаги қарорига қаратади. «Америка овози» АҚШнинг Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган илк оммавий ахборот воситаси бўлди. «Республиканинг ташқи дунёга очилиши мамлакатнинг янги йўналишдаги ҳаракатига имконият яратиб, Марказий Осиёнинг чинакам эркинлиги ҳамда барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшади», деб ёздаи газета шарҳловчиси Рейд Стендш.

«Newsweek» ҳафталик таҳлилий журнали «Президент Трамп «Толқон» ҳаракати билан тинчлик битими имзолашга ёрдам бериши мумкин бўлган Ўзбекистон Президенти

билан учрашди» сарлавҳаси остида батафсил мақолани чоп этди.

Вашингтонда ҳукм сураётган атмосфера ҳақида фикр юритаркан, журнал шарҳловчилари Оқ уйдаги манбалар «Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи тарихий аҳамиятга эга.



Биз савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириб, инсон ҳуқуқлари соҳасида биргаликда ишлашни мақсад қилганмиз. Республикада амалга оширилаётган ислохотлар бизда оптимизм уйғотмоқда», дея сўзлаганини таъкидлайди.

Журналда қайд этилишича, Америка бошқарув доиралари Ўзбекистон афғон масаласида ўзининг фаоллигини янада оширишига умид қилаётди. Шу маънода, нашрда жорий йил март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича йирик халқаро конференция бўлиб ўтгани ва унда қатнашган йигирмадан ортиқ давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари Афғонистон ҳукуматининг толиблар билан музокараларни бошлаш бўйича саъй-ҳаракатларини бирдек қўллаб-қувватлашларини билдиргани эслатиб ўтилади.

«Бу мамлакат ўз йўлига нисбатан аниқ қарашга эга бўлиб, нафақат иқтисодий эркинлаштириш, балки давлатнинг сиёсий, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий тизимини ўзгариши назарда тутаганидан ислохотларнинг амалга ошириши йўлини танлади», дея Ўзбекистон ҳақида фикр билдиради «Newsweek» таҳлилчилари.

«Халқ сўзи» мухбирлари Шавкат ОРИҚОВ ва Анвар МИРЗАЕВ тайёрлади.

Изро МАЛАКОВ:

Ўзбекистон Президентини ва ўзбек халқидан миннатдорман



Ўзбекистон Республикаси Президентини матбуот хизмати сурати.

(Давом. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбек халқи санъатини чин дилдан севди, уни маънавийатни бойитадиган, қалб ҳамда руҳни юксалтирадиган беқиёс куч, деб билади. Бунинг Ўзбекистонда мақом санъатини янада ривожлантириш, уни чуқур ўрганиш, асраб-авайлаш, нозик асрорларини тарғиб этиш, мақомчилар, мақомшунос илмий-педагог олимлар ва мутахассислар фаолиятини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганидан ҳам билиш мумкин. Бу ҳақида интернет орқали билиб, эшитиб-қўриб турибмиз. Мен каби ўзга мамлакатда яшаётган санъаткорга-да кўрсатилаётган эъзозни эса бир сўз билан юксак эътиром, деб аташ мумкин.

Шавкат Миромоновичнинг АҚШга расмий ташрифи билан келиши ҳақидаги хабарни эшитган кунимданок катта ҳаяжон, ўзгача фахр ва гурурда эдим. Чунки бу инсон Президент эътибори билан қўллаб-қувватлашнинг амалий ифодаси бўлди.

Ўзбекистон — биз учун табаррук диёр. У ерда Бухоро яхудиёларига шу қадар катта эътибор, меҳр кўрсатишганки, дунёнинг бошқа жойида бундай ғамхўрликни кўрмаганмиз. Ўшим улғайиб бораёпти, лекин мана бу инсон, шубҳасиз, менга янги куч бағишлайди. Бундан кейин ҳам мақом санъатини янада раванқ топишига, халқимизнинг мазкур ноёб маданий меросини дунёга кенг ёйишга ҳисса қўшишга ундайди.

Қисқа сатрларда

● Андижон вилоятида 20 минг гектарлик майдоннинг мониторинг ишлари дронлар орқали уч кун ичида амалга оширилди. Республика «Ерреозекадастр» давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган бу инновация усули орқали 500 гектар майдонда кузатиш ишлари атиги икки соат ичида удалланди. Ер унумдорлигини ошириш, экинлар ривожини таъминлаш, суратга олиш, харита тузиш каби соҳа ишлари эндиликда жуда осонлашди.

● Бухоро шаҳридаги «Меховая мода» МЧЖ айти пайтгача 700 минг АҚШ доллари миқдорда даромад кўрди. 100 миллион сўмлик даромад эътиборини қўлга келтиришга асосиди бўлган қоронда жорий йил охиригача етти минг дон қоракўл териси кайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолида чет эллик буюртмачиларга etkazиб берилиши кўзда тутилган.

● Урганч туманида Хитой технологияси асосида йилга 250 минг тонна чикиндини қайта ишлаш қувватига эга завод барпо этилмоқда. 3 миллион АҚШ долларига тенг ушбу истиқболли лойиҳа худуд экологиясини яхшилаш баробарида, кундалик турмушда фойдаланиладиган бир неча турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини ҳам беради.

● Жиззах вилояти перинатал маркази ташкирланиб, замонавий қўйғанда фойдаланишга топширилди. Реконструкция ишларига 5 миллиард сўм сарфланган ушбу марказда эндиликда йилга 25 мингдан зиёд аҳолига стационар ва амбулатор хизмати кўрсатиш имконияти юзга келди.


● Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш, эрта туримушга чиқарининг олдини олиш борасида белгиланган чора-тадбирлар ижросига Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 февралда имзоланган «Хотин-қизларнинг қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига бағишланган матбуот анжуманида алоҳида аҳамият қаратилди.

● Фарғона шаҳрида «Маъмурий суд ишларини юритиш соҳасидаги ислохотлар: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ҳамда маъсул ходимлари, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари прокуратураси, адлия, солиқ бошқармалари, адвокатлар палатаси вакиллари, маъмурий судлар раислари, хорижий экспертлар қатнашган мазкур тадбирда соҳадаги янгиликлар хусусида сўз борди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Қизгин мунозаралар, конструктив тақлифлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар мажлислари ана шу руҳда ўтди.



Кеча эрта тонгдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз фракциялари мажлисларига тўпланишар экан, бошқа кунлардан фарқи Улароқ, ўзаро қизгин суҳбат, баҳс-мунозарага киришдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Бинобарин, халқ ноибларининг барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига илк тарихий ташрифи ҳақидаги таасуротлари билан кўтаринки кайфиятда ўртоқлашдилар. Бу кайфият сиёсий партиялар фракциялари мажлисларига ҳам кўчди. Фракциялар мажлислари депутатлар тақлифига кўра айнан мазкур ташриф натижалари муҳокамаси билан бошланди.

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади

— Президентимизнинг Оқ уйда АҚШ Президенти Дональд Трамп билан учрашуви миллионлаб юрдошларимиз катори биз, халқ вакилларидан ҳам гурур ва ифтихор туйғувини уйғотди, — дейди депутат Дилмурод Саъдуллаев. — Бу, авваламбор, юртимизда кечаётган шиддатли ҳамда кенг ислохотларнинг халқаро миқёсда юксак эътибор бўлса, қолверса, янги тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимиз фаол ташқи сиёсатининг амалий натижасидир. Бинобарин, АҚШ Президенти Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда эришилаётган улкан ютуқларни эътибор этди. Президентлар кенг жаҳадаги ўзаро устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, 2002 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Декларацияга янги сурат бағишлаш мақсадида икки томонлама муносабатларни янги мулоқот асосида мустақамлашга келишиб олдилар. Ишончли қомилиқ, Оқ уйда бўлиб ўтган музокаралар Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларининг ишончли вакили сифатидаги нуфузи, имиджи тобора юксалиб бораётганини кўрсатади.

Қўмиталар масъулияти кучаяди

Шундан сўнг фракциялар кун тартибига киритилган долзарб масалалар муҳокамасига ўтишди. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг йиғилишида депутатлар Президентимизнинг яқинда қабул қилинган «Давлат активларини бошқариш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳиятига эътибор қаратдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Нарғиз Халилованинг айтишича, давлат қорхоналарининг бошқарув органларида ижро этувчи ҳокимиятнинг соҳавий комплекслари ва давлат бошқаруви органлари раҳбарлари иштирокида оқибатда юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги, албатта, соҳа тараққиётига тўсиқ бўлаётгани рост. Бундай компанияларда моддий техника, молиявий ҳамда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланилмаётганини, бошқарув тизимини шаффоф эмаслиги боис уларнинг молиявий ва ҳўқалиқ фаолиятини ҳар томонлама таҳлил этиш ёки у бажаравтган вазифа ҳамда функциялар-

нинг ижросини самарали назорат қилиш амалиёти йўлга қўйилмаган», деди депутат.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қарорда давлат қорхоналарини трансформация қилиш дастурларини амалга оширишнинг халқаро тажрибаси асосида давлат активларининг қийматини кўриб чиқиш ва уларни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган ҳолда давлат улуши устувор бўлган давлат қорхоналари ҳамда бошқа юридик шахсларни трансформация қилиш дастурини ҳаётга татбиқ этиш назарда тутилмоқда.

Қарор асосида бундай қорхоналарда том маънодаги қорхоналар бошқаруви тизимини жорий қилиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташаббусларни амалга ошириш, давлат қорхоналари раҳбарлари ва мутахассисларнинг касбий кўникмаларини, жумладан, тегишли тармоқлар бўйича етакчи хорижий қорхоналар билан тақриб аламлишини ташкил этиш орқали ривожлантириш режалаштириляпти. Фракция аъзолари мазкур қарордан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олдилар. Шундан сўнг УлиДепФ фракцияси бир гуруҳ аъзолари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда бевосита қонунчилик жараёни билан боғлиқ бўлган, қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш ва овоз бериш тартибининг янада тақомиллаштиришга қаратилган ҳўжат лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Электрон тижоратга «яшил чироқ»

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида дастлаб давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 майдиги «Буюқ алломулар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш

Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан Давлат солиқ қўмитасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун билан белгиланган асосий вазифалари Президентимизнинг 2018 йил 15 февралдаги Фармонида мувофиқлаштирилмоқда.

ХДП қонунни янги таҳрирда қабул қилиш тарафдори

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг қизгин мунозаралар ҳамда конструктив тақлифларга бой ўтган мажлисида депутатлар эътибори давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 март кунини имзоланган «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қаратилди.

Гал шундаки, кейинги вақтларда фракция аъзолари томонидан жойларда ўтказилган ўрганишларда аҳолининг руҳий соғлигини текширувдан ўтказиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни профилактика қилиш, уларга таълим қўйиш, уларни даволлаш, парваришлаш ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклаш соҳасида муаммолар борлиги аниқланган. Энг муҳими, ушбу муаммо ҳамда камчиликлар Президентимизнинг қароридан ўз аксини топиб, соҳани ривожлантириш, мавжуд муаммоларни хал этишда мажму омили бўлди.

Фракция аъзоларининг фикрича, бугун психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимининг самарали фаолиятини таъминловчи ҳўқуқий базани тақомиллаштириш замон талаби бўлмоқда.

— Очиги, амалдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонун 2000 йилда қабул қилинган, — дейди фракция аъзоси Алия Юнусова. — Унинг қатор нормалари эскирган ва қайта таҳрирга муҳтож. Шу сабабли Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш бўйича фракциянинг ишчи гуруҳи шакллантирилди. Фракция ташаббуси билан тақлиф этиладиган янги таҳрирдаги қонун аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан тақомиллаштиришнинг асосий йўналишларини қамраб олиши лозимлиги таъкидланди. Шу билан бирга, психиатрия хизмати муассасаларининг айрим функцияларини соғлиқни сақлашнинг хўсурий секторига ўтказиш, аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида давлат-хўсурий шерикчилигини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш учун инвестициялар жалб қилиш каби тақлифлар билдирилди.

Йиғилишда, шунингдек, Қонунчилик палатаси янги йиғилиши муҳокамасига киритилаётган бир қатор қонун лойиҳалари партия дастурий мақсадлари ҳамда аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, кенг ҳамда атрафчилик муҳокама этилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзоларининг диққат-эътиборида бўлди. Лойиҳада ногиронлиги бўлган шахсларнинг инженерлик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларига тўқунлиқсиз киришни таъминлаш бўйича талабларини бажаришдан бўйин товлаганили, шунингдек, уларнинг ҳўқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузганлик учун жавабгарликни қўйиштириш назарда тутилмоқда. Фракция вакиллари сўзларига

Қобил ХИДИРОВ, Зйёда АШУРОВА.

# Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкам ҳимояси йўлида яна бир қадам

Тарих таърибаси шундай: қонун устуворлиги ва суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлашдан тўриб, давлатни ривожлантиришнинг имкони йўқ. Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан такомиллаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза этиш, суд-ҳуқуқ тизимини мустақил инстиутга айлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

## СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Бу жараёнда фуқароларнинг конституций ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қила оладиган соҳа — адвокатура тизими ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг муҳим таркибий қисми сифатида адвокатуранинг роли ҳамда аҳамиятини кучайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида 2018 йил 12 май куни "Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилиниши фикримиз далилидир.

Мазкур Фармонда бугунги кун адвокатурасининг ҳолати кўрсатилиб, унинг олдидаги муаммолар бирма-бир санаб ўтилди. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, ҳозирги кунда суриштирув ҳамда тергов органларининг айрим ходимлари томонидан адвокатларнинг ўз ҳимояси остидаги шахслар олдидаги қирғинга юзаси вақтлар билан тўқнаш қилишлари, бундай ҳолатларда адвокатлар томонидан зарур қонуний чоралар кўриш механизми йўқлиги ҳеч кимга сир эмас эди. Қолаверса, адвокатларнинг турли ташкилотларга йўлланган суроовлари кўп ҳолларда давлат органларининг мансабдор шахслари

ҳамда ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида қамиди уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод қилинишлари белгиланди. Шунингдек, лицензияни тугатиш учун асос бўладиган, адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик мuddати амалдаги уч ойдан олти ойга узайтирилди. Фармонда адвокатларнинг ўз ҳимояси остидаги шахслар билан аудио ҳамда видеокўрсатув қурилмалари бўлмаган махсус жоналарда ва бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ҳамда ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланиши белгиланиши адвокат ва унинг ҳимояси остидаги шахсларнинг сирлари ошқор бўлишини истисно этади.

Аваллари адвокатларга суд биносига ташкилий техника воситалари олиб қилинишига фақат суд раис рўхсати билангина йўл қўйилар, аксарият ҳолларда суд раислари турли баҳоналар билан бундай қурилмалар олиб қилинишига монелик қилар эди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони билан адвокатларга суд биносига компьютер, мобил ҳама бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқи берилгани уларнинг меҳнатини янада энгиллаштириш билан бир қаторда, судларда ҳақиқий тортишувлик принципи риоя этилиши, қонун устуворлиги таъминлиниши ва ҳақиқий қонуний ҳимоя амалга оширилишига кенг йўл очиб беради. Бунда адвокат фақатгина битта талабга риоя қилиши шарт — қайд этилган қурилмалардан суд биноси ичкарисидан фойдаланиш суд жараёнини ўтказиш тартибини бузмаслиги керак.

Яна бир муҳим янгилик. Фармон билан адвокат сўровларига жавоб бериш мuddатлари катъий белгилаб қўйилди. Унга кўра, сўровномага у олинган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кун мuddатда жавоб берилиши шарт. Адвокат сўровига бинонан маълумотларни ўз вақтида тақдим қилмаслик, ёлгон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этишда айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан, белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилди. Бу эса адвокат сўровномаларининг сўзсиз бажарилишини таъминлайди.

Илгариги тартиб бўйича адвокатлик бюрларини ўзлари жойлашган бинони тураржойлар тоифасидан нотураржойлар тоифасига ўтказиш шарт эди. Бу ҳолат ҳам адвокатур фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир ўтказиб, адвокатлик тузилмаларига монелик қилиш воситаларидан бири эди. Фармон билан адвокатлик бюроси ўз фаолиятини ўзига тегишли бўлган тураржойда амалга ошириши мумкинлиги, ушбу тураржойни нотураржой тоифасига ўтказиш талаб этилмаслиги белгилангани ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида айтганда, Президентимизнинг мазкур Фармони суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни қучураштириш, адвокатура тизимини янада ривожлантириш, адвокатларнинг ролини кучайтириш, пировардда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилиш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди.

**Комилхон КАВЛОҲОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.



Анъанавий "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг Бухоро вилояти босқичидан Ғиждувон тумани вакиллари Президент совғаси — "Damas" русумли автомашина билан қайтдилар. Улар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритиб, ана шундай эъзозга муносиб кўрилдилар.

# Ёшлиқ ва спорт байрами

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган бу галги мусобақаларда юқори синф ўқувчиларининг ҳам иштирок этишгани беллашувларнинг янада мурасисиз ва кескин баҳслар остида кечишини таъминлади.

— Бу йилги спорт ўйинлари дастуридан турон якка-шимизнинг эртаси порлоқлигидан далolat беради. Тадбирда намойиш этилган концерт дастури дилларга завқу шавқ улашди.



Термиз шаҳрида "Умид ниҳоллари — 2018" спорт мусобақаларининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мусобақанинг саралаш босқичларида 238 минг 796 нафар йигит-қиз иштирок этди. — "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасида 19 нафар ўқувчимиз муваффақиятли қатнашиб, жами 14 та олтин, 5 та бронза медални қўлга киритишди.

тумани ёшлари биринчи ўринни қўлга киритишди. Ғолиб жамоага Президентимиз совғаси — "Damas" автомашинаси топширилди. Термиз шаҳри вакиллари иккинчи, қумқўрғонлик ёшлар учинчи ўринга муносиб, деб топилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**  
**Илҳом РАҲМАТОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбирлари.

## Ўзбекистон — Россия:

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари бизнес форуми ташкил этилди.

## Бизнес форуми

Челябинск вилояти кунлари доирасида уюштирилган ушбу форумда икки мамлакатнинг иқтисодий, инвестиция, савдо-саноат, нефть-газ, тоқ-он саноати, озиқ-овқат, кимё, венгил саноат, машина-

тида, Россия ҳудудида Ўзбекистон Республикаси сармоядорлари иштирокидаги 570 га яқин корхоналар фаолият юритмоқда. Узро товар айирбошлаш ҳамжи ҳам йилдан-йилга ошиб бораётди. — Ўзбекистон Россиянинг энг ишончли савдо ҳамкорларидан бири, — дейди Россия Федерациясининг Челябинск вилояти губернатори Б. Дубровский. —

Агар узро транспорт-коммуникация ва транзит имкониятларидан тўла фойдаланилса, натижа бундан-да яхши бўлади. Узро савдо айланмаси ҳамжи кўпайиб, тадбиркорларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланади. Бунинг учун икки мамлакатнинг ҳам қучқудрати, салоҳияти етарли. Тадбирда мамлакатлари-мизда инвесторлар учун

## Китоб жавонингизга

Файласуф Конфуций ҳақида шундай ҳикоят бор: у ёшлигида балиқчининг олдида борибди. Балиқчи унга балигидан тўтказибди. Шунда у балиқчига қараб, "Менга ёрдам бермоқчи бўлсангиз, балиқ берманг, балки тутишни ўргатинг. Шунда мен бу хунар билан оиламни боқман, ундан ортса, қўшинларимга, ундан ҳам ортса, халққа бераман", дебди.

## Сирдарёлик тадбиркорлар Хитойга сафар қилишди

Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев бошчилигидаги вилоят делегацияси хизмат сафари билан Хитой Халқ Республикасининг Чжэцзян провинциясида бўлди.

Турли ташкилотлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлардан иборат гуруҳ аъзолари сафар давомида иқтисодий ўрсаткичлари жиҳатидан Хитойда туртинчи ўринда турувчи мазкур провинциянинг бир нечта туман ва шаҳарлари, компания ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига таширф буюришди. Худудларнинг масъул раҳбарлари иштирокда ишбилармонлар билан учрашувлар ўтказилди. — Сафар мобайнида хитойлик ҳамкорлар билан

енгил саноат ва бошқа йўналишларда ҳам узро ҳамкорлики йўлга қўйиш бўйича келишув меморандумлари имзоланди. Хизмат сафари чоғида, шунингдек, Шанхай шаҳрининг Халқро савдонини ривожлантириш кенгаши, Шинжон-Уйғур автоном райони ҳамда бошқа худуд ва компаниялар билан ҳам инвестициялар киритиш, товар айирбошлаш, пахта кластерларини барпо қилишда Хитой технологиясини қўллаш каби кўпгаб амалий ишлар юзасидан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

# Кластер иқтисодиётга нима беради?



Президентимиз ўтган йили Бухоро вилоятига қилган ташрифи давомида "Бухоро каттон текстиль" қўша корхонаси ва кластер лойиҳаси билан танишиб, уни янада такомиллаштириш бўйича топшириқлар берган эди. Унга мувофиқ, лойиҳа янада мукамаллаштирилди. Айни вақтда кластер тизимига Ромитан туманидан 8 минг гектар ер ажратилди. Илгари шунча майдонда атиги 436 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 минг нафардан ошди. Ерга чигит қадалиб, ғўза ниҳоллари илғор агротехника тадбирлари асосида парваришланмоқда. Лойиҳанинг бошқа йўналишларида ҳам ишлар изчил давом эттирилмоқда.

## Мулоқот — муаммоларнинг самарали ечими

Норин туманида "Ёшлар — келажак тўнёдқори" Давлат дастурини амалга ошириш, жойларда аҳоли билан очик мулоқот ўтказиш орқали мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш масаласи бўйича республика ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Айтиш керакки, 155 минг аҳолининг 60 фоиздан зиёди ёшлар бўлган мазкур туманда йигит-қизлар бандлигини таъминлаш бугуннинг муҳим масалаларидан биридир. Айниқса, олис қишлоқларда ишсиз ёшлар кўпчилиги ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ишчи гуруҳи ушбу масалани чуқур ўрганишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Дастлабки уч куннинг ўзида 50 нафар ёш ишга жойлаштирилди. 36 кишига эса янги меҳнат жамоаларига йўлланмалар берилди.

## ТАШАБУС

Бизнес юритишни мақсад қилган, бироқ бу борада муайян тажрибага эга бўлмаган, бошланғич сармоа масаласида ёки ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бино, ер участкаси олишда муаммага дуч келаятган ёшлар Норинда ҳам топилди. Шу боис белгиланган тартибда имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳамда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан тарғибот лойиҳаси доирасида ўтказилган 120 дан ортиқ очик мулоқотлар ўткирилди. Учрашувларда 153 фуқародан ишбилармонлик фаолияти учун кредит олиш масаласида мурожаат келиб тушди. 24 кишига қисқа вақт ичда 205,5 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Масалан, Яйдоқ қишлоғида яшовчи Илҳом Саидқамоллов ёғочни қайта ишлаш ва ўймакорлик фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирган. Бироқ бошланғич сармоянинг йўқлиги унинг ўз лойиҳасини амалга оширишига тўсиқлиқ қилаётганди. Касб-хунар коллежини битираётган йигит энди тижорат банкидан 17 миллион сўм кредит маблағи олади.

Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган бир қатор ёшларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолари ҳам ишчи гуруҳи кўмағида ўз ечимини топди. — Бир неча йилдан буён қуёнчилик ҳамда паррандачилик билан шуғулланиб келаяпман, — дейди "Омадбек Бўстон" фермер хўжалиги раҳбари Темуրбек Мўминов. — Россия ва Қозоғистондан олиб келинган зотли қўнлар ҳам тез кўпаяди, ҳам тез семирди. Африканинг "Цесарка" зотли ёввойи паррандасидан тўртта бор. Энди туяқуш ҳам буюмоқчиман. Аммо жониворларни парваришлаш, озуқасини етиштириш учун ер керак эди. Мазкур муаммо ишчи гуруҳ томонидан ҳал этиб берилди. Менга бир гектар ер ажратилди деган бўлди. "Норин қалдирғочи" хусусий корхонаси болалар аравачалари, кичкинтойлар учун мебеллар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Тадбиркорлик субъекти бундан бир неча йил аввал ўзи тайёрлаган миллий бешиқлар билан экспортга чиққанини кўпчилик яхши эслади. Аммо ишлаб чиқариш майдони йўқлиги боис ушбу жамоа қатор

Ўзбекистон Бадий академияси Халқро маданият қарвонсаройида Халқро музейлар кунига бағишлаб ўтказилган археологик буюмлар кўргазмасига шундай таъриф бериш мумкин.

"Ўтмиш ва келажак" деб номланган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, музейшунослар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар, маданият, санъат ихлосмандлари ҳамда журналистлар қатнашди. Кўргазманинг очилишида юртимизда музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш, жумладан, уларни қадим тарихимиз ҳақида ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар билан янада бойитиш, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Халқро маданият қарвонсаройи Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти билан ҳамкорликда "Амалий санъат асарларини таъмирлаш" факультети талабаларининг амалий машғуллотларида иштирокчини кенг йўлга қўйган. Кўргазмада ушбу машғуллотлар жараёнида йигит-қизлар томонидан таъмирланган сопол буюмлар, турли нақшлари қайта

тикланган уй анжомлари ва бошқа кўп асрлик тарихга эга топилмалар, ашёлар ҳам намойиш қилинди. Қайд этиш жоизки, мазкур топилмалар Тошкент вилояти ҳудудидаги Қонқа ва Сурхондарё вилоятининг Кампиртепа, Дабилқўрғон ҳамда Мунчоқтепа тарихий ёдгорликларидан казиб олинган. Кўргазма доирасида ташкил этилган давра суҳбатига олимлар, профессор-ўқитувчилар томонидан археология ва реставрация жараёнининг муҳим масалалари муҳокама қилинди. Талаба-ёшлар ййигиланларга ўз реставрация ишлари ҳақида маълумот берди. Бундай тадбирлар ўтмиш ва келажак ўртасида кўприк бўлиб, ёш авлоднинг ўз Ватани тарихи билан фахрлини, миллий қадриятларни асраб-авайлаш туйғуларини янада кучайтиради.

**Дилшод КАРИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Мулоқот — муаммоларнинг самарали ечими

Норин туманида "Ёшлар — келажак тўнёдқори" Давлат дастурини амалга ошириш, жойларда аҳоли билан очик мулоқот ўтказиш орқали мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш масаласи бўйича республика ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

иттифоқи ва Норин тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ёшлар — келажак тўнёдқори" шиори остида ташкил қилинган бўш иш ўринлари ярмаркасида иштирокчиларнинг асарияти доимий меҳнат жойига эга бўлишди. Ушбу тадбирда Учқўрғон ҳамда Норин туманлари ва Наманган шаҳрида фаолият юритаётган 230 га яқин корхона ҳамда ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари 3000 дан ортиқ бўш иш ўринларини тақдим этишди. Пировардда 1408 нафар йигит-қизга ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, ярмаркада 8 та тижорат банки томонидан кредит олиш истагида бўлган 248 нафар фуқаро рўйхатга олинди. Бундан ташқари, чет элда ишламоқчи бўлган 61 кишига Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Наманган вилояти филиали томонидан ташкилий равишда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш бўйича маслаҳат берилди. "Обод кўнғил" лойиҳаси доирасида кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ички ишлар профилактик ҳисобида турувчи ёшлардан 85 нафари Тўрақўрғон туманидаги "Исҳоқон тура Ибрат" мажмуасига саёҳатга олиб берилди.

Узбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан тақдим қилинган яна бир лойиҳа туман ёшларининг ахборотга бўлган эътиҳини тўлароқ қондириши йўналтирилганлиги билан аҳамиятга молик. Гап шундаки, бу ерда иш

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.



**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ  
НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ  
КОМБИНАТИНИНГ  
КЎП МИНГ КИШИЛИК ЖАМОАСИ**

*республикамиздаги турдош корхоналар  
меҳнат аҳлини*

**Ўзбекистон Республикаси  
кончилик ва металлургия sanoати  
ходимлари куни**

*муносабати билан қизгин муборакбод этади.*

*Анъанавий касб байрами шодиёналари  
нишонланаётган кунда сизларга сўхат-саломатлик,  
бахт-саодат, хонадонларингизга  
ўлкан муваффақиятлар тилайди!*




**Олмалиқ  
кон-металлургия  
комбинати жамоаси**

**Сизларни  
Ўзбекистон Республикаси  
кончилик ва металлургия  
sanoати ходимлари  
куни билан қутлайди!**

*Ватанимиз равнақи,  
юрти иқтисодий ти ривожини йўлидаги  
сермаҳсу фаолиятингизда сизларга  
сўхат-саломатлик, фаровонлик,  
бахт саодат тилайди.  
Нуруний отахон оонахонларимизнинг  
дуолари, фидойи юрдошларимизнинг  
интишиллари, сергайрат ёшларимизнинг  
шижоатлари ила тараққийга  
юз туьган ўлкамиз ривожланиб,  
янада ғулаб-яшнасин!*




**«Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ  
ва «SFI Management Group» МЧЖ ХК  
жамоалари**

*республикамиз корхона ва ташкилотлари меҳнат жамоаларини касб байрами —*

**Ўзбекистон Республикаси кончилик  
ва металлургия sanoати ходимлари куни**

*билан самимий муборакбод этади!*

**Меҳнатингиз мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлигини  
мустаҳкамлашга ва халқимиз фаровонлигининг ошишига  
хизмат қилади. Сизга ва оилаларингизга мустаҳкам соғлиқ,  
оилавий бахт, омад ҳамиша ёр бўлсин!**

**Гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонимизнинг  
ривожланиши йўлида қилаётган улкан  
бунёдкорлик ишларингизга зафарлар  
тилайди!**



**«REPUBLIKA MULK  
MARKAZI» МЧЖ**

**Бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб  
бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион  
савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига «Магнит» давлат корхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Охангарон тумани sanoат худудида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қуйилмоқда:

- 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/233НАА, техник носоз бўлган «Дамас ZBB VAN» русумли.
- **Бошланғич баҳоси — 21 481 000 сўм.**
- 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, техник носоз бўлган «ЭО-3322» русумли экскаватор.
- **Бошланғич баҳоси — 22 483 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2018 йил 19 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2018 йил 15 июнь куни соат 18.00 гача.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.  
Телефон: (0-371) 228-79-52.

Гувоҳнома № 001805.

Ўзбекистон қирғиз миллий маданият маркази жамоаси таниқли олим, таржимон ва марказ кенгаши аъзоси  
**Суюн ҚОРАЕВ**нинг  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи  
Народное слово**


**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуночилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ГАЗЕТАМИЗ ХАРОДИГИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ОҚЛАБ ОЛИШ УЧУН QR-КОДИНИ ТЕЛЕФОНИНГIZ ОРҚИЛИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўйимлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилгани учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатдан чоп этилишига «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси масъуль. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — У. Файзуева.  
Навбатчи — Д. Каримов.  
Мусахҳатчи — С. Исмолов.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.50 Топширилди — 05.15 1 3 4 5 6